



ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

ЭРГАШЕВ ИСЛОМ ТҮХТАМУРОД ЎҒЛИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси З-босқич 314- гурӯҳ курсанти

АННОНТАЦИЯ

Ушбу мақолада Жиноят субъектининг жиноий хуқукий таснифи ҳамда унинг профилактик чора-тадбирларини амалга оширишда тартиби ва тактик усуллари шунингдек ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолар ечимига оид чора тадбирлоар.

КАЛИТ СҮЗЛАР

Конституция, жиноят, субъект, маъмурий жавобгарлик, хукуқбузарлик, кодекс, ички ишлар органлари, президент, қонун, қарор, фармон.

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятнинг мухим қисми ҳисобланган фуқаролар давлатнинг равнақи ва ривожланиши, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда асосий ролни ўйнайди. Бу қадимдан ўз исботини топган ва бугунги кунда амал қилиниши лозим бўлган қоидага айланган. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий маънавий озодлик, инсон такомили, адолатли жамият қуришнинг бирдан-бир шарти одамларни эзгуликка чорлаш, ғоявий жиҳатдан вояга етказиш деб билган ва бу ҳақда шундай деб ёзган: “Инсон баҳт-саодат нималигини тушунган бўлсаю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлсада, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа бу қилмишлари ёмон ва ноўринлидир” албатта қайси мамлакатда фуқароларнинг фаровон ҳаёти таъминланар экан, шу давлатда ривожланиш бўлади. Фуқаронинг фаровонлиги эса унинг юртига бўлган меҳрини янада оширади.



АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳозирги вақтда жиноят субъектида жиноятларни сони ошиб бормоқда бунинг замрида аҳоли ўртасида норозиликлар кўпайиб турли ҳил жиноятчилар сони кўпайиб кетмоқда бунинг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Хабарингиз бор, бу йил мамлакатимиз аҳолиси 36 миллион кишидан ошди. Бу албатта, кичкина рақам эмас. Шунинг учун ҳам, фуқароларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этишимиз лозим. Чунки барча ёшларга шарт шароитт яратиб берсак ёшларни банд қилиш ва иш билан таъминлаб бериш лозимдир. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қоиданинг ижросини таъминлаш халқимиз генофондини асраш ёки оддий қилиб айтганда, давлат ва жамият тараққиётининг 12 қафолатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз” деб таъкидлаб, фуқароларимизни ҳар томонлама ижтимоий-иктисодий қўллаб қувватлаш муҳим аҳмият касб этишини кўрсатиб ўтди. Таъклиф сифатида ёшларга турли хилдаги тадбиркорликга ёналтирилган мактабда дарс соатларини қўйиши ва чет элга ишлаш учун бориб пул тополмасдан қийналиб қайтиб келганлар бўйича видео роликлар кўрсатиш керак. Ҳамда ўзининг ножӯя қилми орқали маъмурий ва жиноий жавогарликка тортилиши ва ўзининг ва оиласи ҳаётига қанчалик ўзгаришлар рўй беришини кўз олдига келтириш керак зеро оқибати англаб кейинги қадамини ўйлаб босади.

ХУЛОСА



Хулоса қилиб айтиш жоизки демак ҳозирги вақтда профилактика чора тадбирларни ва шарт шароитларни ўрни катталиги ҳамда инсонларга таъсири кўпроқ бўлган профилактикани қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун энг катта тартиб ва тарбияни оиласда аҳамияти каттадир.

ФОЙДАНАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси конститутцияси

Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисидаги” қонун

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

Ўзбекистон Республикаси “Фуқоролар мурожатлари тўғрисидаги”

қонун